O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 1 сентябрь, № 174 (4327) Шанба

# БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон халқини барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш ва ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал ва муҳташам майдонда бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари вакиллари, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларимизни, бу байрамни биз билан бирга нишонлаётган барча дўст ва биродарларимизни бутун халқимиз номидан қутлаб, самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар!

Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчаганда ғоят қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънода янгиланиш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширган ислоҳотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг ҳар бири чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши муқаррар.

Мана шу шиддатли ва кескин даврда биз босиб ўтган йўл, унинг улкан самаралари, синов ва машаққатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бир фикрни тўла ишонч билан айтиш лозимки, шу йиллар давомида юртимизда демократик давлат қуриш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор топиш учун амалга оширган ишларимиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни озод ва обод қилиш йўлида эришган марраларимизни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бугун мана шундай шукуҳли дамларда бу ютуқларнинг ижодкори бўлган заҳматкаш деҳқон ва фермерлар, ишчи ва хизматчиларимиз, ишбилармон ва тадбиркорлар, жасур ҳарбийларимиз, олиму зиёлилар, маданият ва санъат аҳли, фидойи муаллим ва ўқитувчилар, жонкуяр шифокорларнинг беқиёс хизматларини эътироф этиб, барчангиз олдида, бутун халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан.

Ҳурматли юртдошлар!

Шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида қўлга киритган салмоқли ютуқлар барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Айни пайтда бугун олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифалар ўтган давр мобайнида барпо этилган салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, бор куч-қудратимиз, имконият ва ҳаракатларимизни эртанги истиқболимиз, эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун сафарбар этишни талаб қилади.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, қуйидагиларга эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

Биринчидан, эришган ютуқ ва натижаларимизга танқидий баҳо бериб, уларга маҳлиё бўлмасдан, ўз олдимизга юксак марралар, узоқ ва давомли эзгу мақсадларни қўйиб яшашимиз, биринчи навбатда халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида туриши зарур. Бунинг учун иқтисодиётимизнинг тез ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, яқин уч йил мобайнида ишчи-хизматчиларнинг маошларини, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини 2-2,5 баробар кўтариш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолиши шарт.

Иккинчидан, сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизни янада либераллаштириш, сиёсий партиялар, ижтимоий ва фуқаролик тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг қонуний ваколатларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Учинчидан , ҳозирги мураккаб ва таҳликали замоннинг ўзи инсоният ҳаётига таҳдид солаётган турли бало-қазолар мавжуд эканини ҳеч қачон унутмасликни, юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, сезгирлик, ҳушёрлик ва огоҳликни йўқотмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга қарши муносиб жавоб бера оладиган куч-қудратимизни ошириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида доимо ҳаракатда бўлишимизни талаб қилади.

Тўртинчидан, эзгу мақсад ва режаларимизни рўёбга чиқаришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бешинчидан, юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Бугунги кунда эл-юртимизнинг ана шундай азалий фазилатлари, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган олижаноб ва савобли ишларимиз "Ижтимоий ҳимоя йили" бўйича қабул қилинган давлат дастурида ўзининг яққол амалий ифодасини топаётгани барчамизни қувонтиради.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кўнглимдаги яна бир гапни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб биламан.

Бугун 16 йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни баҳолар эканмиз, Ватанимиз, юртимизни улуғлаш, юксак муддаоларимизга етиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш мақсадида амалга оширган катта-катта ишларимиздан, тер тўкиб қилган меҳнатимиздан ҳар қанча фахрланиб, ана шу ютуқларга мен ҳам муносиб ҳисса қўшдим, деб бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга тўла ҳаққимиз бор, десам, ўйлайманки, бу фикримга барчангиз қўшиласиз.

Мана шу мунаввар оқшомда сизларни Ватанимизнинг Истиқлол байрами билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни, барчамизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

*Мустақиллик — озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғururини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.*

*Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн олти йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди.*

*Ўн олти йил. Балоғат ёши. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқлолимизнинг мустаҳкамлангани, том маънода, балоғат палласига қадам қўйгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу йиллар, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланади.*

*Ўн олти йилдирки, эл-юртимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Истиқлол йиллари Юртбошимиз раҳбарлигида ана шу эзгу мақсад йўлида эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан халқимиз бугун ҳар қанча фахрланса арзийди.*

2007 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан шукуҳли, гўзал, салобатли.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси телевидение орқали томоша қилади. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи — интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларигача кириб боради.

Майдон узра таралаётган оҳанрабо куй ва қўшиқ таъсирида кўз ўнгимизда истиқлолнинг ўн олти йили бирма-бир гавдаланади.

Президент Ислом Каримов куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" маърузасида ўтган давр мобайнида халқимиз барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлади.

Ўтган даврда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида бетимсол ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган икки палатали парламент ана шу янгиланишларнинг яна бир юксак маҳсулидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган ва маъқулланаётган барча қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, унинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ ҳамма соҳаларни ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми — суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги концепция ишлаб чиқилди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида халқимиз менталитетига хос бўлган ярашув институти жорий этилди.

...Майдонда таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Кўнгилларга ўктамлик бағишловчи мусиқага ҳамоҳанг рақслар қанотида бунёдкор эл қураётган озод ва обод Ватан манзаралари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Байрам дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, ана шундай бунёдкор халқ яшайдиган юртнинг келажаги шубҳасиз буюкдир, деган қатъий ишонч янада мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. Йўлбошчимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалда изчил татбиқ этилаётган миллий тараққиётнинг "Ўзбек модели" — Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ўз самараларини бермоқда.

Дарҳақиқат, бундан ўн олти йил муқаддам асосан хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган республикамизда автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, электроника каби мутлақо янги тармоқлар йўлга қўйилди, минглаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури импортни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Қизилқум фосфорит, Бухоро нефтни қайта ишлаш, "ЎзДЭУавто", Қўнғирот сода, Самарқанд автобуслар ва кам сиғимли юк машиналари ишлаб чиқарувчи заводлари, Шўртан газ-кимё мажмуаси сингари кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди. Биргина шу йилнинг дастлабки олти ойида 154 янги йирик ва кичик саноат ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан, 30 енгил ва тўқимачилик саноати объекти ишга туширилгани бу борадаги ишлар нечоғли жадал бораётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС

Эл-юртимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган боболаримизни Мустақиллик байрами олдидан яна бир бор эслаш, уларнинг муборак руҳларини шод этиш барчамизнинг инсоний, фарзандлик бурчимиздир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланишида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам.

...31 август. Тонг. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги айвон гумбази узра қуёш нурлари жилваланади. Не-не қора кунлар, хунрезликлару машъум қатллар гувоҳи бўлган Бўзсув туб-тубидаги пўртаналарни бекитмоқчидек сокин оқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтган хотирлаш маросимида иштирок этди.

Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига эҳтиром сифатида бунёд этилган ушбу ёдгорлик юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Аждодлар хотирасига ҳурмат

(Давоми 3-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг ўн олти йиллиги муносабати билан самимий қутловларни қабул қилгайсиз.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунда Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини эътиборга олиш асосида ривожланиб бормоқда.

Икки томонлама сиёсий мулоқотнинг ишончли ва конструктив руҳда эканлигини юксак қадрлаймиз. Бу мамлакатларимизнинг амалий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигига оид энг муҳим масалаларни самарали ҳал қилиш, халқаро муаммолар бўйича баҳамжиҳат позицияни ишлаб чиқиш, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан хавф-хатарларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш имконини беради.

Ишончим комилки, Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама самарали алоқалар иқтисодий ҳамкорлик, маданият, фан ва таълим соҳаларида биргаликда қўлга киритиладиган ютуқларимиз билан мустаҳкамланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат ишларингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик, омонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 16 йиллиги муносабати билан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан қизғин қутловлар ва энг эзгу тилаклар йўллайман.

Мамлакатингизда мустақиллик йиллари мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигида сиёсий вазият мустаҳкамланиб, иқтисодиёт муттасил ривожланиб бормоқда ва халқнинг турмуш даражаси узлуксиз юксалмоқда. Хитой томони бунга астойдил қувонади ҳамда Сизнинг мамлакатингизга янги-янги ва янада улкан муваффақиятлар тилайди.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 15 йил мобайнида икки томоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Сиёсий ўзаро ишонч изчиллик билан мустаҳкамланмоқда. Иқтисодиёт, савдо, энергетика, транспорт, хавфсизлик, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликда улкан муваффақиятларга эришилдики, булар мамлакатларимиз халқлари манфаатларига жуда мосдир. Яқинда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммити давомида Хитой билан Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтириш масаласи ҳамда муштарак манфаатларга молик бошқа масалалар бўйича чуқур фикрлашиб олдик ва кенг кўламда ҳамжиҳатликка эришдик. Мен Сиз билан биргаликда мамлакатларимизнинг икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама доирадаги ҳамкорлигини изчил мустаҳкамлаш ҳамда Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини бундан буён ҳам оғишмай ривожлантириб бориш йўлида куч-ғайрат сарфлашга тайёрман.

Мамлакатингизга равнақ, халқингизга бахт-саодат тилайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омонлик тилайман.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига қизғин қутловларимни йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Ўзаро узвийлик касб этиб бораётган ҳозирги дунёда ишончли ва мос тарзда ҳаракат қиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳар қачонгидан кўра муҳим ва зарур ташкилот ҳисобланади. Умумжаҳон характерига эга муаммолар кўпайиб бормоқдаки, улар халқаро даражада рад қилиб бўлмайдиган ва мувофиқлаштирилган тарздаги жавобни талаб этмоқда. Бунинг маъноси шуки, бизга БМТнинг кенг миқёсли тизими билан ҳам, унга аъзо давлатлар билан ҳам мавжуд талаб-эҳтиёжлар ва янги зиддиятларни ҳал қилиш учун самарали иш олиб борадиган БМТ Котибияти зарур.

Мазкур лавозимни эгаллаб турган даврда мен учун ушбу тасаввурни воқеликка айлантириш ҳамда Ташкилотнинг яхлитлиги, холислиги ва мана шу вазифани бажара олиши масалаларида Сизнинг ишончингизни сақлаб қолишдан кўра юксакроқ мақсад йўқ. Ҳамкасбларим билан мен ушбу миссияни бажараётган бир вақтда шуни ҳис этиш қувонарлики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон раҳбариятига, ҳукумати ва халқининг содиқлиги ҳамда қўллаб-қувватлашига умид боғлай олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Пан Ги МУН,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1 сентябрь — Ўзбекистон Мустақиллиги куни байрами нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига Америка халқи номидан йўллаётган табрикларимизни қабул қилгайсиз.

Ўтган ўн олти йил давомида бизнинг мамлакатларимиз эски ва янги зиддиятларни бартараф этиш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Айни пайтда биз интилаётган шериклик кўп соҳаларни, жумладан, терроризмга қарши кураш, демократик ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш ҳамда минтақавий иқтисодий интеграция соҳаларини ўз ичига олган бўлиб, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Америка Қўшма Штатлари кенг қамровли масалалар бўйича ҳамкорликка ҳамда Ўзбекистоннинг тўла суверенитети ва мустақиллигини изчил қўллаб-қувватлашга содиқ қолишини тасдиқлайди.

Эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

# БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. Республикамизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси янгиланди. Юртимизнинг йирик шаҳарларидаги аэропортлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Темир йўл вокзаллари замон руҳига мос равишда янги қиёфа касб этди.

Байрам арафасида қуриб битказилган "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линияси диёримиз тарихида оламшумул аҳамият касб этувчи, мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километрни ташкил этувчи бу янги темир йўл наинки Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки ушбу воҳани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан ҳам боғлади.

Айни чоғда, у фақат Ўзбекистон учун эмас, балки минтақамиз тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Янги темир йўл линияси қўшни мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш ҳамда келгусида Афғонистон ва Эрон орқали Форс кўрфази портларига чиқиш учун ҳам хизмат қилади.

Истиқлолимизгача юртимизда бир миллион тоннага яқин ғалла етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич олти миллион тоннадан ошди. Бунга асосан ҳосилдорликни кўтариш ҳисобидан эришилмоқда. Масалан, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида ғалла ҳосилдорлиги 20 центнердан ошмаган бўлса, жорий мавсумда бу кўрсаткич 48 центнердан ортди. Бу юртимиз аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, балки эҳтиёжидан зиёдини экспорт қилиш имконини ҳам бераётир.

Бундай ютуқлар замирида, аввало, тинчлик ва барқарорлик, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидаги дадил одимлари, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг фидокорона, ҳалол меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти ва қудрати, юртдошларимизнинг Ватанга садоқати, ёруғ истиқболга ишончи мужассамдир. Бу, ўз навбатида, йилдан-йилга аҳолининг реал даромадлари кўпайишига, демакки, кишиларимизнинг ҳаёти янада фаровонлашувига олиб келмоқда.

..."Ўн олти ёш бўлдик биз". Майдонда улуғвор байрамнинг тантанавор руҳига ҳамоҳанг бўлиб, кечага ўзгача файз ва тароват бахш этиб куйлаётган ва шўх-шан рақс тушаётган Истиқлол тенгдошларини олқишлар эканмиз, қалбларимизда яна бир бор бетакрор Ватанимиз, унинг келажакка интилаётган иқтидорли йигит-қизлари билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода, уларни етук инсонлар этиб вояга етказиш, бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгилангани ўз самарасини бермоқда.

Истиқлол йилларида юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонларида ёшларимиз эришаётган ғалабаларда ҳам намоён бўлмоқда. Бугун улар дунё спорт майдонларида юрт байроғини баланд кўтармоқда. Рустам Қосимжонов ва Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гўзал Хуббиева ва Мафтуна Тўхтасинова, Рустам Саидов ва Ўткирбек Ҳайдаров ҳамда уларнинг издошлари бўлган юзлаб шижоатли ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда, жаҳон ва қитъа беллашувларида ёрқин ғалабалари билан Ватанимиз шуҳратиниараннум этиб, дунё аҳлини ҳайратга солмоқда.

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган дунё тажрибасида кузатилмаган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тизимининг жорий қилиниши юртимизда соғлом авлод вояга етаётганидан яна бир далолатдир. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақаларидан иборат бу тизим биринчи синф ўқувчисидан то олий ўқув юртлари талабаларигача бўлган ёшларни ўзига қамраб олди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганига ўн йил тўлди. Ўтган даврда ушбу ҳужжатлар ва кейинги даврда ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши таълим сифати ва мазмун-моҳиятини тубдан яхшилаш имконини берди.

Таълим соҳасидаги давлат дастурлари ушбу жабҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, халқаро меъёрларга мувофиқ билим олиш жараёнини такомиллаштириш имконини бермоқда. Давр ва ислоҳотларимиз талабларига жавоб берадиган таълим стандартлари, дарсликлар яратилди. Олис ва чекка қишлоқларда ҳам компьютерлар, ўқув-лаборатория ускуналари, зарур адабиётлар билан жиҳозланган замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, бошқа илғор таълим масканлари барпо этилаётир.

Мамлакатимизда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ўзида мужассам этган ўн икки йиллик ўқитиш тизимига ўтилди. Бу тизим ўғил-қизларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий-демографик шароити, меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш имконини бермоқда.

Бугун мамлакатимизнинг олис қишлоқларида қад кўтарган мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган шарт-шароит шаҳарларда бунёд этилган ана шундай таълим муассасаларидаги шароитдан қолишмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, юртимизда тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча ўғил-қизларнинг пухта таълим, мукаммал тарбия олиши учун етарли шароит ва имкониятлар яратилган. Айниқса, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бундай эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ушбу дастурга асосан Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга жисмоний имконияти чекланган болалар учун махсус — инклюзив таълимни тобора ривожлантириш, уни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Соҳанинг барча бўғинлари қатори махсус таълим тизими мутахассислари, педагог ва тарбиячилар меҳнати қўллаб-қувватланмоқда, муносиб рағбатлантирилмоқда, уларни қайта тайёрлаш, касбий маҳоратини юксалтиришга катта аҳамият қаратиляпти.

Истиқлол ёшларимизга юртимизнинг ва хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиш имконини яратди. Мамлакатимизда олий таълим соҳасида бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг замонавий тизимига ўтилди.

...Майдон узра таралаётган наволар, куй-қўшиқлар авжга чиқади. Саҳнада миллий либослардаги қизлар намоён бўлади. Мамлакатимизда истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган умидбахш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуши йил сайин ошиб бормоқда. Зеро, оиладаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида юртимиз хотин-қизларининг алоҳида ўрни бор. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони хотин-қизларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди. Бугунги кунда хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Уч йил муқаддам йўлга қўйилган Республика хотин-қизлар спартакиадаси йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Синхрон сузиш бўйича "Сув париси", бадиий гимнастикачиларнинг "Шарқ гўзали" халқаро турнирлари хотин-қизларимизнинг спорт оламида нималарга қодирлигини дунёга кенг намойиш этмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилида навқирон йигит-қизларимизга, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрлик янада юксалди. Президентимизнинг 2007 йил 18 май куни имзоланган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу йўлда қўйилган залворли одим бўлди. Ушбу фармон ижроси доирасида жойларда минглаб ёшларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ёки сотиб олиш, шунингдек, мебель ва бошқа ҳаётий зарур товарлар харид қилиш учун банклардан имтиёзли шартлар асосида кредитлар олмоқда...

Даврага болалар чиқадилар. «Томоша» болалар ижодий театр студияси, "Булбулча", "Юлдуз", "Ором" ва «Наврўз» болалар ашула ва рақс дасталари "Бахтиёр болалармиз" вокал-хореографик композициясини ижро этадилар. Болаларнинг шўх-шодон куйлашлари, рақсга тушишлари томошабинларни тўлқинлантириб юборади. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди, ҳавас қиласиз. Қувноқ ва серзавқ ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари, шўхчан рақслари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотади...

Соғлиқни сақлаш соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан яна бир далолат. Тизим моддий-техника базасининг муттасил яхшиланиши, етук мутахассислар тайёрлашга эътибор ва тиббиёт ходимларининг ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши натижасида соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Оналар ва болалар ўлимининг кескин камайиши, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида қўлга киритаётган ютуқларимиз БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ сингари кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган самаралардандир...

Ўзбекистон БМТ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сингари тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатлари билан кенг кўламли иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни амалга оширмоқда. Шу тариқа юртимиз ҳаётбахш ислоҳотлари, демократик ўзгаришлар йўлида собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

...Истиқлол туфайли аждодларимиз томонидан яратилган улкан маънавий-маданий меросимиз қайта тикланди. Умуминсоний қадриятларга эш бўлган миллий ва диний қадриятларимиз бойиб, ривож топиб бораётир. Бу борадаги кенг кўламли эзгу ишларимиз самараси ўлароқ, 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан маданий-маънавий воқеа бўлди.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шаҳарларимиз юбилейларини халқаро миқёсда нишонлаш яхши анъаналаримиздандир. Куни кеча Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қутлуғ тўйи кенг нишонланди. Тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари билан дунё аҳлини лол қолдириб келаётган Самарқанд истиқлол йилларида замонавий шаҳар сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Бундай азим шаҳарларимизни янада обод этиш, шу кентларда яшаган аждодларимиз меросини қайта жонлантириш ва ривожлантириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Шу кунларда Марғилон шаҳри тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Буюк ипак йўлида жойлашган Марғилоннинг 2000 йиллик санасини муносиб нишонлаш халқимизнинг боқий меросини асраб-авайлашда, кенг тарғиб этишда, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ўтган йиллар мобайнида миллий ва мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, эстрада санъатини ривожлантиришга хизмат қиладиган талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда миллий ва халқаро мусиқа фестиваллари, кўрик-танловлар ўтказиш анъана тусини олди. Самарқандда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Машриқу Мағриб мусиқа ва қўшиқчилиги ноёб намуналарини жаҳонаро тарғиб этиш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

...Майдон узра турли миллат қўшиқлари жаранглайди. Ўзбекистон — дунёга бағрини очган диёр. Зеро, шу азиз Ватан — барчамизники. Бу заминда асрлар мобайнида ўнлаб миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб, елкама-елка яшаб келмоқда. Юртимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик муҳити ҳукмрон. Республикамизда кишиларнинг диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, барча билан бирдек бағрикенглик асосида муносабатда бўлиши, оқибатлилик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик сингари халқимизга хос фазилатлар мужассамлиги туфайли 130 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, ягона мақсад — юрт тинчлиги ва Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилмоқда...

Майдонда ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага саф-саф бўлиб шахдам ва собит қадамлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Мана, 16 йилдирки, Ўзбекистон ўз Конституциясига таянган ҳолда ўзининг ҳеч ким дахл қила олмайдиган мудофаа ҳуқуқини рўёбга чиқариб келмоқда. Бунда мамлакат мудофаа қобилиятини мунтазам мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизни мудофаага қодир даражада сақлаш зарурати энг устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Истиқлол даврида халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, Қуролли Кучларимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти ошди. Эндиликда замонавий ёшлар армияда хизмат қилишга интилмоқда, ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг Қуролли Кучлар олдига қўйган асосий вазифаси шундан иборатки, ҳарбий хизматни ўтаган ва армиядан қайтган йигитлар жисмонан ва маънан соғлом, заковатли, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган инсонлар бўлиши даркор.

Ҳа, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, "ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради".

... Файзли оқшомнинг фараҳбахш лаҳзаларида қалбларимиздан тошаётган ҳаяжон ва шодлик мисоли самода ранг-баранг мушаклар порлайди. Сирли ва сеҳрли ёғдуларга боқиб, кўнглимиз тоғдек юксалади. Шу гўзал кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтамиз. Қувонч тўла кўзларда акс этган ишонч, ғурур ва ифтихор, меҳру муҳаббатга боқиб, шундай тилак дилдан тилга кўчади: Истиқлол байраминг муборак бўлсин! Озодлигинг абадий бўлсин, Ватан!

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизни ва халқингизни ўз номимдан ҳамда ватандошларим номидан самимий қутлайман.

Ўзбекистон 16 йил муқаддам ўз мустақиллигига эришган пайтдан бери мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида турли соҳаларда яқин муносабатлар ўрнатилди. Замонавий давлат ва бозор иқтисодиётини барпо этишда Ўзбекистон бундан буён ҳам Германиянинг қўллаб-қувватлашига ишониши мумкин. Шунингдек, мамлакатингиз ва унинг фуқаролари манфаатларини кўзлаб демократик ислоҳотлар ва ҳуқуқий давлат тамойилларини қарор топтиришга қаратилган ислоҳотлар йўлига бундан буён ҳам амал қилиш борасидаги қатъий қарорингизни қўллаб-қувватлашимни билдирмоқчиман.

Афғонистондаги миссия доирасида Ўзбекистон томони Германиянинг хавфсизликка кўмаклашувчи кучларига «Термиз» аэропортидан фойдаланиш имконини бераётгани учун яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчиман.

Сизга ва оила аъзоларингизга барча эзгу истакларни, бутун ўзбек халқига эса тинчлик, эркинлик, хавфсизлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Хорст КЁЛЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати ҳамда ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табриклар изҳор этиш ва эзгу тилаклар йўллашдан бениҳоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст ўзбек халқига доимий равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Халифа бин Зоид Ол НАҲАЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сингапур халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва халқингизга самимий қутловларимиз ҳамда мамлакатингиз ва халқингизга бардавом тараққиёт, тинчлик ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимизни изҳор этишдан мамнунман.

**С. Р. НАТАН,**
**Сингапур Республикаси Президенти.**

Муносабат

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИ

***Одатда, бировга қарамликдан қутилиб, хўжалигини юритиб, кам-кўстини бутлаб олган оила бошлиғи улуғ айём кунларида фарзандларини дастурхон атрофига тўплаб: "Болаларим, машаққатлар ортда қолди, ўтган кунларни асло унутманглар, Оллоҳ шу кунларга етказганига шукур, энди буёғи яхши бўлади, фақат ҳалол-пок меҳнат қилинглар, бир-бирларингга меҳр-оқибатли бўлинглар, оиламиз шаънига доғ туширманглар" деб яхши ният билан дуо қилади. Назаримда, юртдошларимиз Президент Ислом Каримовнинг Мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган мажлисдаги маърузаси мазмунидан шундай маъно уқишди. Чунки ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ дастлабки довон қандай қилиб асоратсиз ва ҳеч бир нохуш оқибатларсиз ошиб ўтилганлиги ҳаётий мисолларда асослаб берилди. Маърузада айтилган ҳар бир сўз ва ибора, таҳлил ва таққос озод юртимизнинг барча фуқаросини ақл-идрок билан фикрлашга ундайди.***

Эрк ва озодликка эришган Ватанимиз ва халқимиз оғир синовларни ҳам бошдан кечирди. Маърузада айтиб ўтилганидек, ўтиш даври мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди. Бу биз учун бахт ва катта ғалаба эди.

Ўзбекистонда бўлган БМТнинг собиқ бош котиби Кофи Аннан матбуотга берган бир интервьюсида шундай деган эди: "Қаерда ақл-идрок ва донолик устун бўлса, ўша ерда ҳамма нарса жойида бўлади, бу дунё фақат донолар учун". Бизда шундай бўлди. Юртбошимизнинг оқилона саъй-ҳаракатлари, вазиятларни олдиндан кўра билгани ва ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўргани туфайли Ўзбекистон турли бало-қазолардан сақланиб қолди.

Собиқ империя саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий ғуруримизни ва урф-одатларимизни камситиш ҳамда диний эътиқодимизни таъқиб этиш учун кураш бошлаш билан бирга, халқимизни озиқ-овқатдан ҳам қисиб қўйган эди. Жумладан, савдо дўконларининг пештахталари ва омборлар бўшаб қолди, бозорлардан файз кетди. Мустақиллик арафасида аҳвол ана шундай эди. Президентнинг маърузасини тинглаб ўтириб, ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик остонасига келиб қолгани ҳақидаги гапларни эшитиб, демак, қандайдир мўъжиза юз бериб юртимиз очарчиликдан сақланиб қолган экан-да, деган фикрга бордим.

Бироқ кимлардир Ўзбекистонда очарчилик юз беришини истади. Биринчи навбатда, буни собиқ мустамлакачилар тоқатлари тоқ бўлиб кутишди. "Известия" газетаси: "Очарчилик кутаётган бу боқиманда республика ўйламай қўйган қадами – мустақиллик эълон қилганидан ҳали кўп пушаймон бўлади" деб ёзди. Бизнинг доно халқимиз эса ўзининг сабр-қаноати, донишмандлиги, меҳнатсеварлиги, ҳар ишда омилкорлиги, ирода кучи ва мақсад йўлидаги қатъияти билан қалбларида ғараз қишлайдиганларни доғда қолдирди. Маърузада ўша пайтдаги ўта қалтис вазият очиқ-ойдин айтилганлиги халқимизнинг ирода кучини янада мустаҳкамлайди ва ўтиш даврининг тарихий аҳамиятини тўғри баҳолаш имконини беради.

Биз мустабидлик асоратидан қутулганимизга беадад шукурлар қиламиз. Ахир ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Барча бойлигимиз ботмонлаб олиб кетилди-да, халқимиз ун, гўшт, сут, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто картошка таъминотида ҳам бошқаларга қарам ва муҳтож бўлиб қолган эди. Ҳа, бир миллион тонна картошкани ҳар йили кузда кўзимиз тўрт бўлиб кутар эдик. Ҳозир эса бозорларимизда тўлиб-тошиб ётган ва энг арзон маҳсулот – Ўзбекистоннинг ўз картошкаси. Илгари ҳафталаб, ойлаб магазинга музлаган гўшт келишини кутардик. Ҳозир ҳаммаёқда янги сўйилган мол ва қўй гўштлари... Аллақачон дон мустақиллигига эришдик. Шубҳасиз, мустақиллик эълон қилишдан пушаймон бўлишимизни кутганлар ёки "Ўзбекистонда очарчилик бошланганлиги ҳақида хушхабар" ёзишни орзу қилганлар ҳозир Ўзбекистонда бўлиб, бу ердаги ўзгаришларни кўрсалар, ҳасад ўтида ёнадилар.

Айтгандай, байрам арафасида шунга ўхшаган бир ҳолат бўлди. Уйда саксондан ошган онам билан суҳбатлашиб ўтирган эдик. Қўл телефоним жиринглаб қолди. "Мен Лондондан Би-Би-Си мухбири Ферузаман, сизни мустақилликнинг 16 йиллиги билан табриклайман" деди овоз. "Раҳмат!" дедим. У сўзида давом этди: "Биттагина саволим бор, илтимос шунга жавоб берсангиз?!" "Марҳамат" дедим. "Айтинг-чи, мустақиллик йилларида қўлга киритилган қайси ютуқларни муҳим деб ҳисоблайсиз?!" деди у. "Юртга эгаликни қўлга олиб, ўзлигимизни англаб, ўзбеклигимизга қайтганимиз..." дейишимни биламан Феруза оғиз очиргани, нафас олгани қўймай, менга бўҳтон ва туҳматлардан иборат қитмир саволлар бера бошлади. Нияти мени довдиратиб мақсадига эришиш. Саволлар ғаразли мақсадда олдиндан тайёрлаб қўйилган ва Ўзбекистоннинг шаънига доғ туширишга қаратилган. Мен ҳам иғвогарни довдиратиб шарманда қиладиган даражада, қаттиқ овозда, ҳаяжон ва нафрат билан жавоб қайтардим. Онам бўлса: "Биров сени хафа қилди чоғи..." деди безовта бўлиб. Тўғриси, баъзан дунёда шундай сурбет, бузғунчи журналистлар борлигидан ҳайратланасиз. Ҳатто байрам кунлари ҳам иғвогарлик қилиб, одамларнинг кайфиятини бузишади.

Президентимиз маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак. Бундай узоқни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва ғаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч ва маблағ сарфланаётган ҳаракатлар ва бу каби хавф-хатарлар бизга қандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор.

Қайси соҳани олманг, ўтган қисқа даврда асрга татигулик ўзгаришлар юз берганининг гувоҳи бўласиз. Маърузада аҳоли учун энг зарур тармоқлардан бири – транспорт-коммуникация тизимига алоҳида эътибор берилибди. Совет даврида бу тармоқдаги аҳвол ҳамиша ечими йўқ муаммо бўлиб келган бўлса, мустақиллик йилларида бу соҳа энг ривожланган тармоққа айланди. Ҳозир транспорт қатнови нафақат туман марказларига, балки энг чекка қишлоқларга ҳам йўлга қўйилди. Тоғлар ва довонлардан нафақат автомобиллар, балки поездлар ҳам ошиб ўта бошлади. "Боинг"лар деярли барча қитъаларга қатнай бошлади. Бир ўйлаб мулоҳаза қилиб кўринг: совет даврида алоҳида темир йўл тугул, битта станцияда юкли вагонлар киритиб қўйиладиган бир неча юз метрли "пўлат из" ётқизиш учун ҳам марказнинг рухсати керак эди.

Агар биз чуқур мулоҳаза қилиб кўрсак, ўтган ўн олти йилда ўзбек миллий давлатчилигини қайта тиклаш ва уни тараққий эттиришга йўналтирилган мазмундор тарихий даврни босиб ўтганимизни англаб етамиз. Маърузада бу давр икки босқични ўз ичига олган йиллар таҳлилида асослаб берилди. Президентни тинглаб ўтириб, мен 1992 йилнинг 4 январидаги бир тарихий воқеани кўз олдимга келтирдим. Ўшанда Ислом Каримов Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида дастурий нутқ сўзлаган эди. Ўшанда мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Биз ўшанда танланган йўлдан оғмадик. Яъни дастурдан чекинмадик, уни қайта кўриб чиқмадик, бировлардан нусха кўчирмадик, ўзгаларнинг йўриғига юрмадик. Янги давлат ва жамият қуришда бешта тамойилга асосланган ўзимиз танлаган йўлдан бордик. Бу йўлда қандай синовларга дуч келмайлик, ҳаммасини енгиб ўтдик. Бугун унинг самарасини кўриб турибмиз. Бунинг учун халқимиз Юртбошига ўз ташаккурини изҳор этмоқда.

Биз улуғ мақсадларни кўзлаб, юксак чўққиларни забт этиш учун курашар эканмиз, қандай қилиб бундай катта ютуқларга ҳамда беқиёс ўзгаришларга эришяпмиз, деган савол шубҳасиз ҳар биримизнинг олдимизда такрор ва такрор кўндаланг бўлади. Яқинда мен бу саволга жавоб топдим. Хабарингиз бор, шу йил "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида Президент Ислом Каримовнинг "Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир" номли китоби чоп этилди. Юртбошимиз китобнинг сўзбошисида юқоридаги саволга жавоб бериб шундай дейди: "Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, биз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритган бўлмасак, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчасига аввало Яратганимизнинг ўзи бизга берган куч-қувват, ақл-заковат ва салоҳиятга таянган ҳолда, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан ўзимизга мос ва ўзимизга хос ривожланиш йўлини қатъий танлаб олганимиз ҳисобидан эришмоқдамиз. Шўро даврида амалда ўзини мутлақо оқламаган, Ўзбекистонни фақат арзон хомашё маконига айлантиришга қаратилган бирёқлама ва ночор иқтисодиётдан, миллатимизнинг руҳи ва табиатига бегона бўлган, унинг шаъни ва ғурурини таҳқирлаб келган мафкурадан бутунлай воз кечиб, замонавий тараққиёт сари дадил қадам қўйганимиз бу ютуқларнинг асосий мезони ва омили бўлмоқда".

Демак, ўтган даврда халқимиз Яратганга шукроналар айтиб, улуғ мақсадларни кўзлаб, келажак сари собитқадамлик билан йўл босди ва катта бир довондан ошиб ўтди. Энди юксак чўққилар кўзланиб, ютуқларни янада бойитиш йўлидаги кураш тобора шиддатли тус олишига ҳеч ким шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

бажо этиш ҳар бир инсон учун фарз. Бундай жойларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди. Қолаверса, одам ўз ҳаёт йўли ҳақида ўйга толади. Дунёнинг ўткинчилиги-ю, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилади. Фалак гардиши қандай айланмасин, барибир адолат қарор топажагига ишонади. Айниқса, ёшларимиз буни чуқурроқ англаб етишлари лозим.

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, Президентимиз таъкидлаганидек, кишиларни, айниқса, ёшларни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиб яшашга ундовчи севимли масканлардан бирига айланган. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда янгиланиб, унинг хазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб борилмоқда. Президентимиз тавсиясига биноан бу ерда мустабид тузумнинг шоҳиди бўлган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар ўтказиб турилади. Эндиликда ушбу табаррук маскан том маънодаги маънавий-маърифий марказга айланган.

Музей экспонатларини кўздан кечирган давлатимиз раҳбари музей фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайтириш, янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Инсоннинг эзгу амаллари, ишлари, бунёдкорликлари унутилмайди. Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек, Усмон Носир сингари кўплаб маърифатпарварларнинг курашларга йўғрилган ҳаёти бунга ёрқин мисолдир. Уларнинг Ватан озодлиги йўлидаги ҳаракати, мустақиллик ҳақидаги орзулари истиқлол туфайли рўёбга чиқди.

Ўзлигини англамаган, муҳим ҳаётий ҳақиқатларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, мустаҳкамлаш, эл-юрт ва миллатга садоқат тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур сингдириш даркор. Улар ҳақни ноҳақдан, тўғрини эгридан фарқлай билсин. Аждодлар билан фахрланишнинг ўзи камлик қилишини, уларга муносиб авлод бўлиш зарурлигини тушуниб етсин.

Ўтганлар ёди – муқаддас. Мана шундай нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз умрини ҳам аямаган қатағон қурбонларининг хотирасини ёд этиш билан қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашади. Эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз билан фахрланамиз. Энг муҳими – бу йил ўн олти йиллигини нишонлаётганимиз истиқлолимиз боқийдир.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган "Мустақиллик ва эзгулик" монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**




*Муҳтарам газетхон!*

***Газетамизнинг ушбу сонидаги қўш саҳифа сизлар учун бепул илова қилинмоқда.***

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Юк ташувчи самолётга ҳужум



Иордания пойтахтига кетаётган АҚШнинг ҳарбий юк ташувчи самолёти Ироқ ҳудудидан ўтаётганда ракетадан ўққа тутилди. The New York Times газетаси хабарида айтилишича, самолётда республикачи-сенаторлар Ричард Шелби, Жеймс Инхоф ва Мел Мартинес ҳамда демократ-конгрессмен Роберт Крамер бўлган.

Шелбининг таъкидлашича, учта ракета ҳам самолётга жуда яқин келган. Учувчиларнинг маҳорати туфайлигина ҳаво кемаси омон қолган.

### Аэропорт яқинида портлаш

***Кеча эрталаб Кобул халқаро аэропорти яқинида камикадзе ўз автомобилини портлатиб юборди.***

Бу террорчилик оқибатида афғон армиясининг бир нафар аскари ҳалок бўлди, яна олти киши жароҳатланди. Associated Press тарқатган хабарга қараганда, жароҳатланганларнинг иккитаси аскар, тўрттаси тинч аҳоли вакилларидир.

### Уго Чавес — воситачи



Венесуэла президенти Уго Чавес кеча бир кунлик сафар билан Колумбияга келди. У бу ерда ҳукумат ва сўл экстремистик инқилобий ҳарбий кучлар ўртасида воситачилик қилмоқчи. Уго Чавес Колумбия президенти Альваро Урибе билан учрашиб, бир неча йиллардан буён экстремистлар қўлида азоб чекаётган 45 нафар гаровдагиларни сўл экстремистик инқилобий ҳарбий кучларнинг 500 нафар жангариси билан алмаштириш масаласини муҳокама қилади.

Гаровдагилар орасида Колумбия армияси ва полициясининг офицерлари, сиёсатчилар, икки нафар АҚШлик учувчи, шунингдек, 2002 йилда мамлакат президентлигига номзоди қўйилган Франция фуқароси Ингрид Бетанкур бор.

### Литванинг хавотири

***Литва ҳукумати келгуси йил бошида газ нархининг ошиб кетишидан хавотирга тушмоқда. Шунинг учун Европа Иттифоқининг бошқа давлатларини газ баҳоси бўйича «Газпром» билан музокаралар олиб боришга чақирди.***

Аммо бу ташаббусни ҳозирча ЕИ давлатлари қўллаб-қувватлаганича йўқ. Еврокомиссиянинг энергетика бўйича расмий вакили Ферран Тарраделласнинг қайд этишича, газ масаласидаги музокаралар давлатлар ўртасида эмас, шу ишга алоқадор компаниялар ўртасида олиб борилиши керак.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу масалада Литвани Беларусь ва Украина қўллаб-қувватлаши мумкин.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**



Мустақил юртимиз нефть саноатининг
бош корхонаси —

# ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ

кўп минг кишилик жамоаси

*Истиқлол неъматидан баҳраманд Ўзбекистон*
*халқини, соҳадош корхоналар*
*ишчи-хизматчиларини,*
*нефть ва газ мустақиллиги*
*учун фидойилик, жасорат*
*кўрсатган тизим ходимлари,*
*мутахассисларини энг улуғ,*
*энг азиз байрам —*






## Истиқлолимизнинг 16 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

*Мустақиллик берган беқиёс бахту*
*саодат, ҳурлик абадул-абад бўлишини*
*тилаб қоладилар.*








UZBEKTELECOM
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси
республикамиз Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами билан барча юртдошларимизни самимий табриклайди.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, хонадонингизга қут-барака тилаймиз.
Байрамингиз муборак бўлсин!
MUSTAQILLIKKA
16 yil


«ДЎСТЛИКДОНМАҲСУЛОТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
дон етиштириш бўйича режани ортиғи билан бажарган жиззахлик барча фермер ва деҳқонларни, дондан сифатли ун тайёрлаб бераётган саноатчиларни, ширин-шакар пишириқларни тўкин дастурхонларга тортиқ қилаётган қандолатпазларни, барча халқимизни
Истиқлолнинг 16 йиллик
байрами билан самимий қутлайди.
Ҳамиша тинч ва осуда юртимизнинг тўю тантаналарига хизмат қилишдан чарчамайлик!

# «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОАЖ

## жамоаси

мамлакатимиз халқини энг улуғ, энг азиз байрам –

## Мустақилликнинг 16 йиллиги

билан самимий қутлайди!

*Ўзининг муборак 30 йиллигини муносиб нишонлаётган жамоа улуғ байрам арафасида ҳар доимгидан ҳам яхшироқ ишлаш, маҳсулот сифатини янада ошириш устида тинмай меҳнат қилмоқда. Ижтимоий ҳимоя йилида корхона ишчи-хизматчиларига бир қатор қулайликлар яратилмоқда.*

*Шундай шукуҳли кунларда барча юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига файзу барака, ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.*

*Мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори, шон-шарафи ва нуфузи доимо устувор бўлсин!*

*Осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*



ABN·AMRO

# АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж.

## Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва меҳмондўст халқини буюк байрам –

## Мустақиллик куни билан

## чин қалбдан муборакбод этади!

Барчангизга оилавий
бахт-саодат,
фаровонлик ва мустаҳкам
саломатлик тилаймиз!

# «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

## КОМПАНИЯСИ

Серқуёш Ўзбекистонимизда яшовчи барча юртдошларимизни мамлакатимиз

## Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами

билан қизғин ва самимий муборакбод этади!

Юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин, гўзал диёримизда доимо тинчлик-осойишталик бўлсин!




«Навоийазот» ОАЖ
жамоаси
барча
юртдошларимизни
Мустақилликнинг
16 йиллиги
билан муборакбод этади!
Барчага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, Ватан равнақи йўлидаги интилишларида муваффақиятлар тилаймиз.
Корхонамиз саноат ва қишлоқ хўжалигининг кўплаб тармоқлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқаради.
Сизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф қиламиз.
Телефонимиз:(8 436) 229-26-64
Факс: (8 436) 223-75-80
e-mail : departmarket@yandex.ru
сайт : www.navoiazot.uz


«NESTLE ЎЗБЕКИСТОН»
Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва иқтидорли халқини энг улуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
16 йиллиги
билан муборакбод этади!
Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги меҳнатингизда улкан зафарлар тилаймиз.
Nestlé
Good Food, Good Life


«ОҲАНГАРОНШИФЕР»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
бутун Ўзбекистон халқини
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
16
йиллиги
билан муборакбод этади!
Барчага омад, муваффақият ёр бўлсин!

## Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

**_Ноғоратепалик Сафар бободан саккизта ўғил туғилди. Уларнинг ичида Холмўмин қорувли ва серғайрат чиқди. Бир томорқа бедани дам олмасдан ўриб бўлиб, яна томини лойсувоқ қилаётган ҳамсоясининг ҳашарига бориб қўшиларди. Бир гал у ариқчага қўйилган билакдек ингичка темирнинг устидан мотоцикл (яна аравачали) ҳайдаб ўтди ва отасига, мен энди каскадёр бўламан деди._**

**_— Сен нон топадиган бўл. Топган нонинг элни тўйдирадиган бўлсин, — деди отаси._**

**_Отанинг дуоси ижобат топди._**



# ЁНИБ ЯШАШ БАХТИ

**У**ер-бу ерда таъминотчи, ҳисобчи бўлиб ишлаб юрган Холмўминга ўша Ноғоратепадан очилаётган ғишт заводининг раҳбарлигини таклиф қилдилар. Холмўмин хўп, деди. Хўп, дедию катта қаршиликка дуч келди.

«Пахта экилиб турган шу тўрт гектар ерни заводга берсам, тўртта сувчим қаерга бориб ишлайди, — деди мўйловдор бригадир. — Заводга машиналар қатнайвериб уйларимизни чанг-тўзонга кўмиб ташлайди», — деди ўттизга кирмай соқол қўйиб юборган яна бири.

Холмўмин хўп, деган эди. Лафз қилган эди. Лафзидан қайтмади. Олти ойда заводни қуриб битказди. Кунига 100 минг, икки юз мингталаб пишиқ ғишт сота бошлади. Топган пулини қишлоқнинг йўлини созлашга харжлади, тупроғини текислади. Шағал тўкди. Асфальт ётқизди. Газ, сув қувурларини тортди.

Бу ободончиликларни кўриб одамлар, бизга энди Ноғоратепа деган ном ярашмайди, дейишди. Қишлоқларини Навбаҳор деб атай бошлашди. Ўчоғининг кулинию ҳовлисининг суприндисини кўчага чиқариб тўкишни тўхтатиб, йўл ёқаларига кўчат қадашга уннашди.

Завод-паводингга ер бермайман деб вақтида оёқ тираб кўрган ҳолига мўйлов бригадир ҳам бир куни келиб, зимдан Холмўминнинг ишларини кузатди: одамлар ишлаяпти. Кўпчилиги шу қишлоқнинг бўз йигитлари. Кечагина уларни ўзи бизда иш йўқ деб қайтариб юборувди. Иш тополмаганидан тамаки чекишга зўр бериб, такасалтанг деб ном олганлар бор эди. Улар бугун меҳнат қилаяпти. Кўча-кўйда юришга, ҳатто, тамаки чекишга, ҳудабеҳуда гурунглашишга вақтлари йўқ. Дастурхонлари тўкин.

— Балли, Холмўмин, Сафар оқсоқолнинг ўғли, — беихтиёр пичирлади собиқ бригадир. — Шу тўрт гектар ердан 200 рўзғорнинг қора қозонини қайнатяпсан. Ҳалолинг бўлсин!

Холмўмин яна бир иш қилди. Қумқўрғондаги «Қизириқ» деб номланган қурилиш ташкилотини ўзи раҳбарлик қилиб турган «Ғишт» хусусий корхонаси тасарруфига олди. «Қизириқ» абгор бўлиб қолаётгани учун, унинг қолган-кутган мулки ҳам хомталаш бўлиб кетмаслиги учун шу ишни қилди ва ойига атиги 300 минг сўмлик иш ҳажми бериб турган корхонани оёққа турғазди. Оёққа турғазганда қандай денг: корхона қуввати минг баробарга оширилди. Ишонсангиз ойига 300 миллион сўмлик иш бажариш маррасига чиқиб олди. Йирик-йирик тендер савдоларининг ғолиби сифатида тилга тушди. Йирик-йирик ҳашарларга бош қўшди. Шунчаки хайрия сифатида туман марказида қурилган болалар спорт мажуига 20 миллион сўмлик иш қилиб берди.

Бунга ўхшаш юмушлар хусусида лекин Холмўмин Саидов гапириб ўтирмайди.

— Мен шунчаки бир ферherман. Қирқ икки гектар ерда ишлаб турган «Собир» фермер хўжалигим бор. Хўжалигимнинг Парда исмли тракторчиси мендан ҳам кўп маош олади. Сувчиларимнинг ойлик маошини келгуси йилдан 150 минг сўмга етказмоқчиман, — дейди у гапини мухтасар қилиб.

— Мустақиллигимизга... нима хизмат қилдингиз? — дейди суҳбатдошларимиздан бири ўсмоқчилаган йўсинда сўраб.

— Мингтага яқин ишчи ўрнини яратдим, — дейди Холмўмин ҳам мана сизга саволга яраша жўн жавоб деган маънода ҳаммага бир карра кулиб қараб олиб. — Ўн беш километрга йўл созладим. Кўприклар қурдим. Насиб этса...

**Г**урунг давомида у яна отасини эслади. Бошда эътибор қилмагандай бўлибман: шу кичкинагина суҳбатда у падари бузрукворини йигирма марталар тилга олгандай бўлди. Онаси ҳақида яна бир бошқача меҳр билан гапириб ўтди. Мен эса унинг, неки қилган яхши ишларимнинг барчасида ота-онамнинг ҳиссаси бор, деган гапини қоғозга тушириб қўйдим.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

*Пойтахтимизда Ватанимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этган ушбу тадбир республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

Учрашувда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, жаҳон илм-фани ривожига бемисл ҳисса қўшган аждодларимиз меросини асраб-авайлаш ва мукаммал ўрганиш, шу асосда ёш авлод онги ва қалбига энг эзгу ғояларни сингдириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига биноан юртимизнинг салкам ўн мингга яқин маҳалла, қишлоқ ва овулида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ушбу масъулиятли вазифага катта ҳаёт тажрибасига эга, элда обрў топган, аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган фаол аёллар тайинланди.

Бугунги кунда маҳаллалардаги меҳр-мурувват, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, қадимий анъана ва урф-одатларимизнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунтириш, хотин-қизлар ва ёшларни миллий мафкурамиз, маънавиятимизга ёт ва зарарли ғоялардан асрашда маслаҳатчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, иш билан таъминлаш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга яқиндан кўмаклашиш, хотин-қизларни спортга жалб этиш борасидаги ишлари ҳам эътиборга лойиқдир.

Бу борада пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги "Намуна" маҳалласидан Муфарраҳ Содиқова, Фарғона вилояти Бешариқ тумани "Қоражийда" қишлоқ фуқаролар йиғинидан Хосиятхон Сувонқулова, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги "Чармгар" маҳалла фуқаролар йиғинидан Барно Ҳаққулова, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Ф.Хўжаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғинидан Озода Эргашева каби маслаҳатчиларнинг фаолияти айниқса ибратлидир.

Учрашувда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ижодий танлов ғолиблари



**Август** ойи якунига кўра, газетамиз саҳифасида чоп этилган **Матназар Абдулҳаким**нинг *«Тошқинлар соғинчи»*, **Луқмон Бўрихон**нинг *«Мулкли, эркли, кўркли»*, **Абдували Қутбиддинов**нинг *«Сирдарёликлар ёхуд қуёш фарзандлари»* мақолалари ойнинг энг яхши публицистик чиқишлари, деб эътироф этилди.

Шунингдек, **Алиқул Хонимқулов**нинг *«Анжир таъми» номли* публицистикаси ҳам кенг жамоатчиликка манзур бўлди.

## «Қуёшли» халқ хизматида

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, Ўртаовул қўрғони "Ўзбекистон" маҳалласида "Қуёшли" маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

### Туҳфа

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тантаналари кунларида иш бошлаган мазкур мажмуа қурилишига тадбиркор Зулфия Мираҳмедова бош-қош бўлди.

— Маиший хизмат кўрсатиш мажмуасида қандолатчилик цехи, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, новвойхона, дорихона, турли спорт секциялари, 400 ўринли маросимлар зали мавжуд, — дейди маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Насиба Холдорова. — Асосийси, 20 нафар маҳалла ёшлари муқим иш жойига эга бўлди.

Мажмуанинг очилиш маросимида маҳалладаги етти нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйи ўтказилди.

**Ж. ЗИЁДУЛЛАЕВ.**


## Хоразм вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ва унинг тасарруфидаги ўқув муассасалари мураббийлар жамоаси





СПОРТ

### Шоҳсупада Исковот қизлари

***Янгиқўрғон туманининг Исковот қишлоғида қизлар ўртасида волейбол бўйича республика биринчилиги мусобақалари ўтказилди.***

«Ёшлик» спорт жамияти Марказий кенгаши томонидан энг улуғ, энг азиз байрамимиз шарафига уюштирилган мазкур беллашувда исковотлик қизлар ғолиб чиқишди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Хоразм ҳамда Жиззах вилояти жамоаларига насиб этди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёш техниклар мусобақаси

***Самарқандда ўқувчилар ўртасида «Автокўпкураш» спорти бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.***

Унинг қатнашчилари автомобиль ҳайдаш, автоэстафета, пневматик милтиқдан отиш, йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Мусобақада Самарқанд вилояти вакиллари биринчи ўринни эгаллашди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Яна бир муқобил энергия

Ҳаётимизни энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ, табиатдаги мавжуд энергия заҳиралари бир кун келиб буткул тамом бўлиши мумкин. Шунинг учун муқобил энергиялар яратиш дунё олимлари олдидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Диққат, янгилик!

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Электроника институтининг илмий ходимлари, академик М. Саидов, Б. Абдураҳмонов ва Андижон Давлат университети доценти Л. Олимовлар томонидан энергия олишнинг янги усули кашф этилди. Ушбу усул поликристалл кремний тузилмаларида намоён бўлувчи янги топилган ноёб ҳодиса ҳисобланади. Кашфиёт муаллифлар томонидан «тепло-вольтаик эффект» деб аталмоқда. У шу кунгача фанда мавжуд термоэлектрик ва бошқа ҳодисалардан тубдан фарқ қилиб, жаҳон фанига киритилган янгилик дея эътироф этиляпти. Ушбу ҳодиса ер юзи ва коинотдаги фотоэнергетика учун мўжалланган энергия ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даражадаги радиацияга чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

**Ш. АКБАРОВ,**
**Л. ЛИФАНОВА,**
**ЎзР ФА ЭИ ходимлари.**





**Америка халқи номидан, Америка Қўшма Штатлари элчихонаси мустақил мамлакат сифатида ўзининг ўн олти йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон халқига самимий қутловларини йўллайди! Келгусида тинчлик, фаровонлик, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат доим Сизга ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз!**

**От имени американского народа Посольство Соединенных Штатов Америки направляет искренние поздравления народу Узбекистана по случаю празднования шестнадцатой годовщины независимости! Мы желаем Вам будущего, наполненного миром, процветанием, здоровьем и счастьем!**

**On behalf of the American people, the Embassy of the United States of America expresses our sincere congratulations to the people of Uzbekistan as you celebrate sixteen years as an independent nation! We wish you a future filled with peace, prosperity, health and happiness!**

1284R/940


## «ҚУРУВЧИ»НИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

***Мустақиллик байрами арафасида миллий чемпионатимизнинг етакчиларидан ҳисобланган "Қурувчи" жамоаси хайрли ишга қўл урди.***



Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйи ҳовлисида «Қурувчи» ПФК ҳомийлигида барпо этилган кичик футбол майдончасининг очилиш маросими бўлди. Ўзбек футболи юлдузи Миржалол Қосимов, таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев ва бошқалар мазкур даргоҳда тарбияланаётган жажжи болажонлар орасидан келажакда таниқли спортчилар етишиб чиқишига ишонч билдиришди. Шундан сўнг футбол майдончасида мусобақа ўтказилди.

Тадбир сўнгида барча тарбияланувчиларга кийим-кечаклар, спорт анжомларидан иборат совғалар топширилди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
Т. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ



**КАФОЛАТЛАНГАН КОМПЬЮТЕР ВА БОШҚА ОРГТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ (ЛОТ — 2).**

Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 25-уй.

Телефонлар: 281-35-37, 281-31-50, 150-16-83.

Танловга таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб жорий йилнинг 10 сентябрь куни соат 13.00 га қадар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ва шанба куни соат 9.00 дан 13.00 гача қабул қилинади.

1298H/1590



Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6